

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib 30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЛИЕВ ОЗОДЖОН АБДИРАХМАНОВИЧ

ПОСТРЕАНИМАЦИОН ДАВРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМДА ЮЗАГА
КЕЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ
(экспериментал тадқиқот)

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Кулиев Озоджон Абдирахмонович

Постреанимацион даврда репродуктив тизимда юзага келадиган
ўзгаришларнинг патогенези..... 3

Кулиев Озоджон Абдирахмонович

Патогенез изменений в репродуктивной системе
в постреанимационном периоде 27

Kuliev Ozodjon Abdiraxmonovich

Pathogenesis of changes in the reproductive system in the post-
resuscitation period 52

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib 30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЛИЕВ ОЗОДЖОН АБДИРАХМАНОВИЧ

ПОСТРЕАНИМАЦИОН ДАВРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМДА ЮЗАГА
КЕЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ
(экспериментал тадқиқот)

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/Tib992 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Карабаев Аминжон Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Саидов Аълонур Бахтинурович

тиббиёт фанлари доктори, доцент
Яриев Алишер Алимжонович

тиббиёт фанлари доктори
Каюмов Абдурахмон Абдумавлянович

Етакчи ташкилот:

тиббиёт фанлари доктори
Карабук давлат университети (Туркия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг бош ўқув биноси, 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда жамият, илм-фан ҳамда ишлаб чиқаришнинг шиддат билан ривожланиши экстремал жараёнларнинг ортиб боришининг асосий манбаси бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай экстремал таъсирлар инсон организмида ўзига хос жавоб реакциясини шакллантиради. Бундай таъсирларга нисбатан жавоб реакциялар, биринчи навбатда, марказий, автоном ва нейроэндокрин тизимларда шаклланиб, инсон организмида эрготроп, трофотроп, шу билан бир қаторда, кинетик жараёнларни юзага келтиради ва булардан ташқари, инсон организмида умумий ҳамда специфик реактивликни критик даражада ошириб, организмнинг таъсиротга нисбатан резистентлигини таъминлайди. Маълумки, инсон организмида эрготроп жараён симпатоадренал тизим орқали, адаптоген гормонлар, катехоламинлар, глюкокортикоид, гликоген, альдостерон, тироксин гормонларининг интегратив таъсири ёрдамида амалга оширилади. Бундай таъсир сабабли оқсил, ёғ, углеводларнинг ёниши оқибатида инсон организмидаги интегратив тизимдаги хужайралар энергия билан таъминланади, ва натижада таъсирга нисбатан жавоб реакцияси шаклланади. Трофотроп жараён парасимпатик нерв тизими, анаболик хусусиятга эга гормонлар (инсулин, андроген, эстрадиол, тироксин) иштирокида шаклланади ва хужайрада продуктив жараённи ошириб, таъсиротга нисбатан мослашув реакциясини юзага келтиради. Агарда стресс омилларнинг таъсир этиши инсон организмнинг реактивлигига мос келса, инсон организмида кўзғалиш, мослашиш, таъсирот давомийлигининг ортиб бориши оқибатида эса толиқиш босқичлари тўлиқ шаклланади. «... Стресс омилларнинг таъсир кучи ўта юқори бўлса, инсон организмнинг симпатоадренал ҳамда нейроэндокрин тизимларида кўзғалиш ва дезадаптация шаклланади.....». Яъни, шокнинг тормозланиш босқичи юзага келиб, ўлим таъминланади. Ўлимнинг келиб чиқишидан қатъий назар реанимация жараёнлари ўз вақтида муваффақиятли ўтказилганда ҳам адаптоген тизимларнинг фаоллашиши оқибатида хужайраларда зўриқишли гипоксия жараёнларининг устунлиги, оксидатив стресснинг таъминланиши, эндоген интоксикациянинг ортиб бориши, интегратив тизимларда чуқур қайтмас ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтгача мазкур (реанимациядан кейинги давр) жараёнлар оқибатида урғочи каламушларнинг репродуктив тизимида юзага келадиган ўзгаришлар ва уларнинг ривожланиш механизмлари тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса, ўз навбатида, тиббиётнинг бир қатор тор мутахассисликларида ўз ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ўта юқори экстремал ҳолатларнинг инсон организмига таъсири сабабли юзага келадиган ҳимоя, мослашув, дезадаптив ўзгаришларнинг механизмларини, асоратларини баҳолашни такомиллаштириш борасида автоном нерв тизими (АНТ)да, яъни симпатик, парасимпатик, метасимпатик нерв тизимларида, адаптоген гормонлар, прооксидант, антиоксидант тизимларда, шу билан бир қаторда, организмнинг бошқа тизимларида юзага келадиган ўзгаришлар борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Гипоталамо-гипофизар-гонад тизимида юзага келадиган ўзгаришлар механизмларини баҳолаш, даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, жисмоний зўриқишнинг аэроб, анаэроб, аралаш турларида гипоталамо-гипофизар-нейросекретор тизим бузилишини баҳолашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ўта юқори даражали омиллар таъсирида юзага келадиган ўлим ва реанимациядан кейинги даврда АНТда, гипоталамо-гипофизар-гонад, эндокрин, прооксидант, антиоксидант тизимларда юзага келадиган ўзгаришларнинг патогенезини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University Hospital Schleswig-Holstein (Германия), Keio University (Япония), University (Корея Республикаси), University of Sydney (Австралия), Jazan University (Саудия Арабистони), Catalan Institute of Oncology (Испания),

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон.

National and Kapodistrian University of Athens (Греция), Federal University of Santa Catarina (Бразилия), University of Washington, University of Kansas, Atlanta Oral Pathology, Roseman University of Health Sciences (АҚШ), University Vita-Salute, University of Pavia (Италия), Yonsei Regional Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон), Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Реанимациядан кейинги даврда гипоталамо-гипофизар-гонад тизимида юзага келадиган ўзгаришларнинг патологик механизмларини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотларда қуйидаги натижалар исботланган: клиник ўлим ва реанимациядан кейинги даврда марказий нерв тизими (МНТ) гипоталамо-гипофизар, эндокрин, прооксидант ва антиоксидант тизимлардаги эндоген интоксикация кўрсаткичлари борасида реанимациядан кейинги даврда энцефалопатия ривожланишида нерв хужайраларининг морфофункционал ўзгаришлари механизмлари, шу билан бир қаторда нерв хужайраларининг резистентлигини ошириш жараёнлари, эндокрин безларидаги ўзгаришлар ўрганилган (Research Institute of General Resuscitation (Москва); гипоксия жараёнларида буйрак усти безида ва бошқа эндокрин безларида юзага келадиган функционал ўзгаришлар, реанимациядан кейинги энцефалопатиянинг ривожланиш механизмлари, клиникаси, профилактикаси ва даволаш жараёнлари баҳоланган (Сибир илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси); реанимациядан кейинги даврда нерв хужайраларининг қўзғалувчанлиги, электрик фаоллиги, функционал ўзгаришлари, қон-томирлар реактивлиги, эндоген интоксикация, антиоксидант тизим, липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларининг ҳолати, реанимациядан кейинги даврда МНТда юзага келадиган ишемик жараёнда қон-томир реактивлиги, мослашув реакциялари ёритилган (Shiga Medical Center Research Institute, Moriyama (Япония); реанимациядан кейинги даврда ишемик цереброваскуляр бузилишлар остида микроглия, астроглия, эндотелиал хужайраларда ва нейронларда содир бўладиган ўзгаришлар асосланган (Charité-Universitätsmedizin Berlin, Berlin, Германия); реанимациядан кейинги даврда юзага келадиган синдромлар устида ишлар олиб борилган ва уларнинг механизмлари ёритилган (Cambridge University, Буюк Британия); реанимациядан кейинги даврда гонада тизимидаги морфофункционал ўзгаришлар ёритилган (National Institutes of Health, АҚШ); клиник ўлим ва реанимациядан кейинги даврда гипоталамо-гипофизар нейросекретор тизимидаги морфофункционал ўзгаришлар такомиллаштирилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон).

Дунёда постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар-гонад тизим йўналишида, шу жумладан, қуйидаги устувор йўналишлар борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

1) 5-10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда гипоталамо-гипофизар-гонад тизимида морфофункционал ўзгаришларни асослаш;

2) 5-10 дақиқалик клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда АНТ, прооксидант тизим (малондиальдегид), антиоксидант тизими (каталаза) ҳамда эндоген интоксикация орқали оқсилларнинг барқарорлигини асослаш;

3) МНТ, эндокрин, юрак-қон-томир, нафас олиш, иммун, қон тизимларидаги биокимёвий ўзгаришларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги 10 йил давомида гипоксия ва ишемик жараёнларда, клиник ўлим ва реанимациядан кейинги даврда организмда, МНТ, АНТ, эндокрин, прооксидант ва антиоксидант тизимлар йўналишида юзага келадиган қонуниятларни ва ўзгаришларни ўрганиш, ушбу ўзгаришларни олдини олиш борасида муҳим ютуқларга эришилди (Н.В. Трегубова, 2012; М.О. Самойлов, А.В. Чурилова, Т.С. Глущенко, Е.А. Рыбникова, 2012; В.В. Мороз, И.С.Новодержкина, У.М. Антошина, А.В. Афанасьев, И.А. Рыжков, Ю.В. Заржецкий, 2015; М.Ш. Аврущенко, И.В. Острова, Ю.В. Заржецкий, В.В. Мороз, Т.А. Гудашева, С.Б. Середенин, 2015; М.Ш. Аврущенко, И.В. Острова, 2017; И.А. Якимов, Е.С. Логинова, 2017; М.Ш. Аврущенко, 2017; Н.Н. Заречнова, Т.Н. Слынько, 2018; А.Г. Карабаев, 2022).

Сўнгги йилларда клиник ўлим ва реанимациядан кейинги жараёнда МНТнинг гиппокамп даражасида юзага келадиган ўзгаришлари ва уларни олдини олиш мақсадида рецепторларнинг экспрессияси ҳамда хужайра, митохондрия ва ядро даражаларидаги ўзгаришлар ва уларни олдини олиш бўйича илмий ишлар олиб борилган ва юқори даражадаги ютуқларга эришилган (Ю.В. Заржецкий, А.В. Волков, 2012; С.А. Строев, Е.И. Тюлькова, М.О. Самойлов, М.Т. Пелто-Хьюкко, 2012; А.С. Степанов, 2017). Шу билан бир қаторда, реанимациядан кейинги даврда хужайра шикастланишларининг асосий механизмлари аниқланган (А.Г. Карабаев, 2022; В.М. Попков, Н.П. Чеснокова, В.В. Моррисон ва бошқ., 2017), гипоталамо-гипофизар ҳамда эндокрин тизимларда ҳимоя мослашув реакцияси механизмлари ва асоратлари ёритилган (А.В. Волков, 2010; И.В. Острова ва бошқ., 2010; А.Г. Карабаев, 2020).

Ўта юқори экстремал омилларнинг таъсири оқибатида юзага келган клиник ўлим ва реанимациядан кейинги даврда нейроген, гуморал бошқарувнинг издан чиқиши ҳамда бузилиши, қайтар назорат қилиш жараёнларининг таъсирга мос келмасликлари сабабли марказларда интегратив бошқарув бузилишини юзага келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Илмий тадқиқотларда қўлга киритилган маълумотларга эътибор берсак, бу жараён МНТ, АНТ, эндокрин тизим, шу билан бир қаторда, ушбу тизимларнинг интегратив боғлиқлиги бузилиши оқибатида прооксидант ва антиоксидант тизимлардаги ўзгаришлар, гормонларнинг синтези, кумуляцияси, қонга секреция қилиниши, транспорти, хужайраларга легант рецепторлар орқали специфик таъсир этиши, метаболизми, инактивацияси ва экскрецияси ҳамда хужайра юзасидаги специфик рецепторларининг издан чиқиши билан боғлиқ (А.В. Волков ва бошқ., 2010; А.В. Волков, В.В. Мороз, К.Н. Ежова, Ю.В. Заржецкий, 2010; Ю.П. Орлов, В.Н. Лукач, В.Т. Долгих ва бошқ., 2012; Е.А. Алексеенко, И.М. Быков, И.А. Луконин, 2017; А.В. Арутюнян, 2014; А.В.

Дробленков, Л.Г. Прошина, Ю.Н. Юхлина, А.А. Байрамов, П.Д. Шабанов, И.Л. Никитина, 2015; М.Л. Ловать, М.Ш. Аврущенко, О.А. Аверина ва бошқ., 2016; В.В. Мороз, И.А. Рыжков, 2016; Т.Ю. Баранова, 2018; Н.Н. Заречнова, Т.Н. Слынько, 2018). Реанимациядан кейинги касаллик даврида организмнинг висцерал тизимининг нейрогуморал бошқаруви ҳамда бу таркибий қисмларда юзага келадиган ўзгаришлар муаммоси ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, клиник ўлим ва шу билан бир қаторда, реанимация жараёнларида ҳамда реанимациядан кейинги даврда эндокрин тизими фаолиятининг бузилишини ўрганишга қаратилган санокли изланишлар мавжудлиги кўзга ташланади. Ўлим жараёни ва реанимациядан кейинги даврда гипоталамо-гипофизар нейросекретор тизими, буйрак усти бези, қалқонсимон без, ошқозон ости бези қисман ўрганилган (А.В. Волков ва бошқ., 2010; Н.Н. Заречнова, Т.Н. Слынько, 2018; И.А. Якимов, Е.С. Логинова, 2017; А.Г. Карабаев, 2022).

Ўзбекистонда турли соматик касалликларни ташҳислаш ва уларни самарали даволаш тактикасининг патофизиологик механизмларини очиш ва янги моделларни яратиш орқали беморларнинг умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Х.Я. Каримов, 2018; 2022; Б.У. Ирискулов, 2022; Р.Р. Утямишев, 2021; С.Б. Азимова, 2018; М.А. Жураева, 2020), бироқ, реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларнинг патогенези етарлича ўрганилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларнинг механизмларини экспериментал усулда аниқлаш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш учун тадқиқотлар амалга оширилиши зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 5436 №012000260 “Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш” (2019-2023 й) илмий режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Диэструс ва эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлимдан кейинги постреанимацион даврда урғочи каламушларнинг репродуктив тизимида юзага келадиган ўзгаришларнинг патологик механизмини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Диэструс ва эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган каламушларда вегетатив нерв тизими, прооксидант, антиоксидант тизимларда, эндоген интоксикацияда аденогипофиз ва тухумдонда юзага келадиган ўзгаришлар механизмини аниқлаш.
2. Диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган ҳайвонларнинг реанимациядан кейинги даврининг 24-соатида, 7-, 14-, 21-, 28-, 60- ва 90-кунларида вегетатив нерв тизими (ВНТ), прооксидант, антиоксидант

тизимлари, эндоген интоксикация кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг репродуктив тизим гормонларига таъсир этиш механизмини аниқлаш.

3. Эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган хайвонларнинг реанимациядан кейинги даврнинг 24-соатида, 7-, 14-, 21-, 28-, 60- ва 90-кунларида АНТ, прооксидант, антиоксидант тизимлари, эндоген интоксикация кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг репродуктив тизим гормонларига таъсир этиш механизмини аниқлаш.

4. Диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган хайвонларнинг реанимациядан кейинги даврнинг 24-соатида, 7-, 14-, 21-, 28-, 60- ва 90-кунларида аденогипофиздаги морфофункционал ўзгаришларни ва тухумдонда фолликулогенезнинг бузилиш механизмини баҳолаш.

5. Эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган хайвонларнинг реанимациядан кейинги даврнинг 24-соатида, 7-, 14-, 21-, 28-, 60- ва 90-кунларида аденогипофиздаги морфофункционал ўзгаришларни ва тухумдонда фолликулогенезнинг бузилиш механизмини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2024-йиллар давомида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг физиология кафедрасида тажриба ўтказилган, бошланғич вазни 140-160 грамм бўлган 95 та оқ зотсиз урғочи каламушлар олинди. Улар интакт хайвонлар (n=15) ва тажриба гуруҳларига (n=80) ажратилди ва диэструс ҳамда эструс даврида 10 дақиқалик клиник ўлим моделлаштириш жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда АНТ, прооксидант, антиоксидант тизимлари, эндоген интоксикация кўрсаткичларини, аденогипофиз ва тухумдонда фолликулогенез жараёнининг патофизиологик ҳолатини баҳолаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимнинг бузилиш механизмини очиқ беришда диэструс ва эструс гуруҳидаги хайвонларда 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида ва клиник ўлимдан кейинги реанимация даврнинг 24-соатида, 7-, 14-, 21-, 28-, 60- ва 90-кунларида АНТ реактивлигини, қонда малондиальдегид, каталаза, эндоген интоксикация кўрсаткичларини, МСМ λ -254, МСМ λ -280 ҳамда оқсилларнинг чидамлилиқ коэффициентини, ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестрон гормонлари миқдорини, аденогипофизнинг β - ва d-базофил хужайраларида, тухумдонда фолликулогенезда юзага келадиган морфофункционал ўзгаришларини патогенетик баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизим бузилишининг патогенезини баҳолашда физиологик, биокимёвий, морфометрик, гистокимёвий, икки тўлқинли цитофотометрик, иммунофермент ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлимни моделлаштиришда юзага келган ўта кучли таъсиротга нисбатан каламушларда симпатик нерв тизими (СНТ)нинг фаоллашиши, аденогипофизнинг δ -базофил хужайраларига таъсир этиб, қонда ЛГ ва эстрадиол гормонининг миқдорини, МДА/каталаза коэффициентини ошириб, оқсилнинг чидамлилиқ коэффициентининг камайишига, тухумдонда фолликулогенезнинг бузилишига олиб келади.

Эструс даврида СНТ тонусининг ортиши аденогипофизга таъсир этиб, δ -базофил хужайраларнинг фаоллигини ошириши оқибатида қонда ЛГ, эстрадиол гормони устунлиги МДА/каталаза коэффицентини камайтиради, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини оширади ва тухумдонда фолликулаларнинг фоликулогенези нормал кечишининг таъминлаганлиги аниқланди;

диэструс гуруҳида реанимациядан кейинги даврнинг 24-соатида хайвонлар организмида СНТ тонусининг ортиши қонда ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон гормонлари миқдорини ошириб, реанимациядан кейинги касалликнинг эрта даврида ҳимоя-мослашув реакциясини таъминланганлиги, реанимациядан кейинги даврнинг 1-кунидан бошлаб 90-кунигача қонда МДА/каталаза коэффицентининг ошиши, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини, ФСГ, ЛГ, эстрадиол ва прогестерон гормонлари миқдорининг камайишига олиб келганлиги аниқланди;

эструс гуруҳини диэструсга эга хайвонлар гуруҳининг реанимациядан кейинги даврининг 24-соатига солиштирилганда, СНТ тонуси, МДА/каталаза коэффицентининг юқори бўлишига нисбатан, қонда ЛГ, эстрадиол гормони миқдорининг юқори бўлиши оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини оширди. Ўз навбатида, реанимациядан кейинги даврнинг биринчи кунидан бошлаб 90-кунигача МДА/каталаза ва оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентлари нормал даражада сақланиши, ЛГ, эстрадиол гормонини юқори даражада бўлиши таъминланганлиги асосланган;

диэструс гуруҳида реанимациядан кейинги даврнинг 24-соатида хайвонлар организмида СНТ тонусининг ошиши аденогипофизда β - ва δ -базофил хужайралар фаоллигини кучайтириб, қонда ФСГ, ЛГ эстрадиол, прогестерон гормонлари миқдорини оширганлиги, реанимациядан кейинги даврнинг 1-кундан бошлаб 90-кунигача қонда МДА/каталаза коэффицентининг ортиши, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентининг камайиши, ФСГ, ЛГ, эстрадиол гормони миқдорини камайтириб, тухумдонда фолликулогенез жараёнида примордиал, бирламчи, иккиламчи, учламчи фолликулалар ва сариқ танани миқдор жихатдан камайтирганлиги, атретик, кистозли фолликулаларни оширганлиги аниқланди;

эструс гуруҳини диэструсга эга хайвонлар гуруҳининг постреанимацион даврининг 24-соатига солиштирилганда, СНТ, МДА/каталаза коэффицентининг юқори бўлишига нисбатан, аденогипофизда δ -базофил хужайраларда функционал фаоллик ошиши, қонда ЛГ, эстрадиол гормони юқори бўлишини таъминлаб, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини оширганлиги, реанимациядан кейинги даврнинг 1-кунидан бошлаб 90-кунигача МДА/каталаза, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентларининг ошиши, ЛГ, эстрадиол гормони юқори даражада сақланиши остида, тухумдонда интакт гуруҳига нисбатан примордиал, бирламчи, иккиламчи, учламчи фолликулалар, сариқ тана миқдори камайиши, атретик ва кистозли фолликулалар миқдори ошиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диэструс ва эструс даврида 10 дақиқалик ўлим ўтказган ҳайвонларнинг реанимациядан кейинги даврида АНТ реактивлиги, прооксидант, антиоксидант тизимлардаги ўзгаришларни, эндоген интоксикация кўрсаткичларини репродуктив тизимнинг аденогипофиздаги δ - ва ν -базофил ҳужайраларига, тухумдонда фолликулогенез жараёнга таъсири баҳоланган;

10 дақиқали клиник ўлимдан кейинги реанимация даврида репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларнинг ривожланишини ва асоратларини олдини олиш ва патогенетик даволаш зарурлиги исботланган;

репродуктив тизимнинг тухумдон қисмида фолликулогенез жараёнининг бузилишида СНТ, прооксидант тизим фаоллашиши, антиоксидант тизим пасайиши, эндоген интоксикация кўрсаткичларининг ортиши, оксилнинг чидамлилиқ коэффициенти пасайиши эстрадиол гормони миқдорида боғлиқлиги очиқ берилган;

диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган ҳайвонларда эструс гуруҳига нисбатан реанимациядан кейинги даврнинг 90-кунда тухумдонда примордиал, бирламчи, иккиламчи, учламчи, фолликулаларнинг, сариқ тана миқдорининг камайиши, атретик ва кистозли фолликулалар миқдорининг ортиши асосланган;

эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган ҳайвонларда реанимациядан кейинги даврнинг 90-кунда тухумдонда примордиал, бирламчи, иккиламчи, учламчи, фолликулаларнинг, сариқ тана миқдорининг диэструс гуруҳига нисбатан ортишида, атретик ва кистозли фолликулалар миқдорининг камайишида эстрадиол гормонининг ўрни баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи физиологик, биофизикавий, биокимёвий, иммунофермент, морфологик, цитофотометрик, гистокимёвий, морфометрик, статистик тадқиқот усуллари реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимнинг бузилиши патологик механизмларини баҳолашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диэструс ва эструс даврида 10 дақиқалик клиник ўлим жараёнида ва клиник ўлимдан кейинги реанимация даврнинг 24-соатида, 7-, 14-, 21-, 28-, 60- ва 90-кунларида АНТ реактивлиги, қонда малондиальдегид, каталаза, эндоген интоксикация кўрсаткичларида оксилнинг чидамлилиқ коэффициенти, ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестрон гормонлари миқдори, аденогипофиз ва тухумдонда фолликулогенез жараёнида морфофункционал ўзгаришлардаги ўзаро муносабатларининг бузилиши механизмларининг ёритилиши, ҳимоя-мослашув реакциясини ҳамда организмнинг чидамлилигини таъминлашдаги ўрни ва назарий механизмлари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 10 дақиқали клиник ўлим жараёнида ҳамда реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизим бузилишининг патологик механизмларини баҳолаш усулларининг ишлаб чиқилганлиги, клиник ўлимдан кейинги реанимация даврининг 24-соатида, 7-, 14-, 21-, 28-, 60- ва 90-кунларида олинган маълумотлар асосида репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларни, уларнинг ривожланишини, асоратларини олдини олиш ҳамда патогенетик даволаш механизмлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Постреанимацион даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларнинг патогенезини ўрганишнинг илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлимни моделлаштиришда юзага келган ўта кучли таъсиротга нисбатан каламушларда СНТ нинг фаоллашиши, аденогипофизнинг δ-базофил хужайраларига таъсир этиб, қонда ЛГ ва эстрадиол гормонининг миқдорини, МДА/каталаза коэффицентини ошириб, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини камайишига, тухумдонда фолликулогенезнинг бузилишига олиб келиши, эструс даврида симпатик нерв тизими тонусининг ортиши аденогипофизга таъсир этиб, δ-базофил хужайраларнинг фаоллигини ошириш оқибатида қонда ЛГ, эстрадиол гормони миқдорини ошириши, МДА/каталаза коэффицентини камайитириши, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини ошириши ва тухумдонда фолликулаларнинг фолликулогенези нормал кечиши таъминлаганлиги бўйича таклифлар СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 43 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимнинг гормонал таркибига оксидатив стресснинг таъсирини баҳолаш” ва СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 44 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларни баҳолаш” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1-сонли марказий клиник шифохонаси (14.09.2024 йилдаги 44-сонли буйруқ), Тошкент вилояти Чиноз туман тиббиёт бирлашмаси (09.09.2024 йилдаги 25-сонли буйруқ) ва Ўзбекистон Республикаси патологик анатомия маркази (10.09.2024 йилдаги 37-1/И-сонли буйруқ) амалиётига татбиқ этилган (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш туғрисида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 5-октябрдаги 10967 сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар механизмини эрта аниқлаш натижасида касаллик кечишини башпорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни аниқлаш, профилактикасини оптималлаштириш, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар оқибатида содир бўлган

жараёнларни аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш, зўриқишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда репродуктив тизимда морфофункционал ўзгаришлар механизмини аниқлаш техникаси ва даволаш тактикаси тўғри танланганда ташҳис қўйиш муддати ва ётоқ кунлар давомийлиги камайиши маълум миқдорда давлат бюджети харажатлари тежалишига олиб келади;

иккинчи илмий янгилик: диэструс гуруҳида постреанимацион даврнинг 24-соатида ҳайвонлар организмида СНТ тонусининг ортиши қонда ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон гормонлари миқдорини ошириб, реанимациядан кейинги касалликнинг эрта даврида ҳимоя-мослашув реакцияси таъминланганлиги, реанимациядан кейинги даврнинг 1-кунидан бошлаб 90-кунигача қонда МДА/каталаза коэффицентини ошиши, оксилнинг чидамлилиқ коэффицентини, ФСГ, ЛГ, эстрадиол ва прогестерон гормонлари миқдорини камайишига олиб келганлигини аниқланганлиги бўйича таклифлар СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 43 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимнинг гормонал таркибига оксидатив стресснинг таъсирини баҳолаш” ва СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 44 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларни баҳолаш” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1-сонли марказий клиник шифохонаси (14.09.2024 йилдаги 44-сонли буйруқ), Тошкент вилояти Чиноз туман тиббиёт бирлашмаси (09.09.2024 йилдаги 25-сонли буйруқ) ва Ўзбекистон Республикаси патологик анатомия маркази (10.09.2024 йилдаги 37-1/И-сонли буйруқ) амалиётига татбиқ этилган (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш туғрисида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 5-октябрдаги 10967 сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар механизмнини эрта аниқлаш натижасида касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни аниқлаш, профилактикасини оптималлаштириш, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш, зўриқишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда репродуктив тизимда морфофункционал ўзгаришлар механизминини аниқлаш техникаси ва даволаш тактикаси тўғри танлаганда, ташҳис қўйиш муддати ва ётоқ кунлар давомийлиги камайиши маълум миқдорда давлат бюджети харажатлари тежалишига олиб келади;

учинчи илмий янгилик: эструс гуруҳини диэструсга эга ҳайвонлар гуруҳининг реанимациядан кейинги даврининг 24-соатида солиштирилганда, СНТ тонуси, МДА/каталаза коэффицентини юқори бўлишига нисбатан қонда ЛГ, эстрадиол гормони миқдорини юқори бўлиши, оксилнинг чидамлилиқ

коэффициентини оширди. Реанимациядан кейинги даврнинг 1-кундан бошлаб 90-кунгача МДА/каталаза коэффициенти, оксилнинг чидамлилиқ коэффициенти сақланиши, ЛГ, эстрадиол гормонини юқори даражада бўлишини таъминланганлигини баҳоланганлиги бўйича таклифлар СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 43 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимнинг гормонал таркибига оксидатив стресснинг таъсирини баҳолаш” ва СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 44 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларни баҳолаш” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1-сонли марказий клиник шифохонаси (14.09.2024 йилдаги 44-сонли буйруқ), Тошкент вилояти Чиноз туман тиббиёт бирлашмаси (09.09.2024 йилдаги 25-сонли буйруқ) ва Ўзбекистон Республикаси патологик анатомия маркази (10.09.2024 йилдаги 37-1/И-сонли буйруқ) амалиётига татбиқ этилган (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш туғрисида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 5-октябрдаги 10967 сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар механизмини эрта аниқлаш натижасида касаллик кечишини башорат қилиш, келиб чиқадиган асоратларни ўз вақтида аниқлаш, профилактикасини оптималлаштиришга, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш, зўриқишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда репродуктив тизимда морфофункционал ўзгаришлар механизмини аниқлаш техникаси ва даволаш тактикаси тўғри танлаганда, ташҳис қўйиш муддати ва ётоқ кунлар давомийлиги камайиши маълум миқдорда давлат бюджети харажатлари тежалишига олиб келади;

тўртинчи илмий янгилик: диэструс гуруҳида реанимациядан кейинги даврнинг 24-соатида ҳайвонлар организмида СНТ тонусининг ошиши аденогипофизда β - ва δ -базофил хужайралар фаоллигини ошириб, қонда ФСГ, ЛГ эстрадиол, прогестерон гормонлари миқдорини оширганлиги, реанимациядан кейинги даврнинг 1-кундан бошлаб 90-кунгача қонда МДА/каталаза коэффициентининг ортиши, оксилнинг чидамлилиқ коэффициентини камайиши, ФСГ, ЛГ, эстрадиол гормони миқдорини камайтириб, тухумдонда фолликулогенез жараёнида примордиал, бирламчи, иккиламчи, учламчи фолликулалар ва сариқ танани миқдорини камайтирганлиги атретик, кистозли фолликулаларни оширганлигини аниқланганлиги бўйича таклифлар СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 43 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимнинг гормонал таркибига оксидатив стресснинг таъсирини

баҳолаш” ва СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 44 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларни баҳолаш” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1-сонли марказий клиник шифохонаси (14.09.2024 йилдаги 44-сонли буйруқ), Тошкент вилояти Чиноз туман тиббиёт бирлашмаси (09.09.2024 йилдаги 25-сонли буйруқ) ва Ўзбекистон Республикаси патологик анатомия маркази (10.09.2024 йилдаги 37-1/И-сонли буйруқ) амалиётига татбиқ этилган (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш туғрисида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 5-октябрдаги 10967 сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар механизмни эрта аниқлаш натижасида касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни аниқлаш, профилактикасини оптималлаштиришга, даволаш чоратадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш, зўриқишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда репродуктив тизимда морфофункционал ўзгаришлар механизминини аниқлаш техникаси ва даволаш тактикаси тўғри танлаганда ташҳис қўйиш муддати ва ётоқ кунлар давомийлиги камайиши маълум миқдорда давлат бюджети харажатлари тежалишига олиб келади;

бешинчи илмий янгилик: эструс гуруҳини диэструсга эга ҳайвонлар гуруҳининг реанимациядан кейинги даврнинг 24-соатига солиштирилганда СНТ, МДА/каталаза коэффицентини юқори бўлишига нисбатан, аденогипофизда δ -базофил хужайраларда функционал фаолликнинг ошиши қонда ЛГ, эстрадиол гормонини юқори бўлишини таъминлаб, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини оширганлиги, реанимациядан кейинги даврнинг 1-кунидан бошлаб 90-кунигача МДА/каталаза коэффицентини, оқсилнинг чидамлилиқ коэффицентини ошиши, ЛГ, эстрадиол гормонини юқори даражада сақланиши остида тухумдонда интакт гуруҳига нисбатан примордиал, бирламчи, иккиламчи, учламчи фолликулалар, сариқ тана миқдори камайиши, атретик ва кистозли фолликулалар миқдори ошишини баҳоланганлиги бўйича таклифлар СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 43 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимнинг гормонал таркибига оксидатив стресснинг таъсирини баҳолаш” ва СамДТУ эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 25-августдаги 44 сони билан тасдиқланган “Постреанимацион даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларни баҳолаш” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1-

сонли марказий клиник шифохонаси (14.09.2024 йилдаги 44-сонли буйруқ), Тошкент вилояти Чиноз туман тиббиёт бирлашмаси (09.09.2024 йилдаги 25-сонли буйруқ) ва Ўзбекистон Республикаси патологик анатомия маркази (10.09.2024 йилдаги 37-1/И-сонли буйруқ) амалиётига татбиқ этилган (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш туғрисида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 5-октябрдаги 10967 сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар механизмни эрта аниқлаш натижасида касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни аниқлаш, профилактикасини оптималлаштиришга, даволаш чоратадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* диэструс ва эструс даврида клиник ўлим жараёнида ва реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келган морфофункционал ўзгаришлар оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш, зўриқишнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда репродуктив тизимда морфофункционал ўзгаришлар механизмини аниқлаш техникаси ва даволаш тактикаси тўғри танлаганда ташҳис қўйиш муддати ва ётоқ кунлар давомийлиги камайиши маълум миқдорда давлат бюджети харажатлари тежалишига олиб келади;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси ҳорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экстремал омиллар таъсирида марказий нерв тизимида, нейроэндокрин, эндокрин, прооксидант, антиоксидант тизимларида, эндоген интоксикация кўрсаткичларида ва репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларнинг замонавий тасаввурлари**» деб номланган бобнинг “Гипоталамус-гипофизар гонад тизимининг морфофункционал таснифи”, “Экстремал омиллар таъсири натижасида репродуктив тизимида юзага келадиган ўзгаришлар”, “Экстремал омиллар таъсирида прооксидант ва антиоксидант тизимларида ҳамда эндоген интоксикация жараёнларида юзага келадиган ўзгаришлар” номли параграфларида замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлили келтирилган, тиббий-биологик муаммолар ва ишнинг долзарблиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Реанимациядан кейинги даврда репродуктив тизимда юзага келадиган ўзгаришларнинг патогенезини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва услублари тўлиқ тавсифланган. Қўйилган мақсадга асосан тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланилувчи умуртқали ҳайвонларни ҳимояси ҳақидаги Европа конвенцияси»га мувофиқ олиб борилди (Страсбург, 1985). Илмий ишнинг текшириш материаллари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги этик кенгашида кўриб чиқилди ва клиникагача олиб бориладиган тадқиқот ишларига рухсат берилди (2024 йил 25-майдаги 10-сон рухсатнома).

Олдимизга қўйилган вазифаларга асосан, тажрибалар вояга етган зотсиз оқ **120 та ўрғочи каламушларда** олиб борилди. Уларда диэструс ва эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ва реанимациядан кейинги касаллик В.Г. Корпачев усули (1982) ёрдамида моделлаштирилди (патент №SU 958453 A1). 10 дақиқали клиник ўлим ва реанимациядан кейинги касаллик моделлаштириш жараёнида диэструс гуруҳида 8 та, эструс гуруҳида 6 та каламушда ўлим кузатилди. Тадқиқотлар бошланғич вазни 140-160 грамм бўлган зотсиз оқ **95 та ўрғочи каламушларда** олиб борилди. Барча ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳни 10 та интакт каламушлар ташкил қилди. Иккинчи гуруҳни 10 та каламуш ташкил этди, уларда диэструс ва эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим чақирилди. Учинчи гуруҳни 35 та ўрғочи каламушлар ташкил қилиб, уларда диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлимдан кейинги реанимациядан кейинги касаллик чақирилди. Тўртинчи гуруҳни 35 та ўрғочи каламушлар ташкил қилиб, уларда эструс даврида 10 дақиқали клиник ўлимдан кейинги реанимациядан кейинги касаллик чақирилди. Ҳайвонларни тажрибадан чиқариш куннинг биринчи ярмида (10-11 соат орасида) эфир наркози остида гильотина пичоғи ёрдамида бошини танадан ажратиш орқали амалга оширилди.

Тажриба жарёнида ҳар бир гуруҳ ҳайвонларида ҳаётий муҳим кўрсаткичлар: ташқи кўриниши, нафас олиши, юрак урушлари АНТнинг реактивлиги, прооксидант тизимида малондиалдегид миқдори, антиоксидант тизимида каталазанинг фаоллиги, эндоген интоксикация кўрсаткичида МСМ λ -240 ҳамда МСМ λ -280 миқдори, МСМ λ -280/МСМ λ -240 коэффициенти,

оксилнинг чидамлилики кўрсаткичи, репродуктив тизимда ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестрон гормонларининг миқдори, аденогипофизда β - ва δ -базофил хужайралар морфофункционал фаоллиги ҳамда тухумдонда фолликулогенез жараёнидаги ўзгаришлар ўрганилди.

Ҳайвонлар боши танасидан ажратилгандан кейин қондаги ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестрон гормонлари, МДА, каталаза, эндоген интоксикация кўрсаткичлари, МСМ λ -240, ва МСМ λ -280 тўлқинга мос келадиган моддаларни аниқлаш мақсадида қон махсус пробиркаларга олинди ва таҳлил жараёнлари амалга оширилди. Бош миёна аденогипофиз билан бирга, бачадон ва тухумдон ажратиб олиниб, 11% формалин аралашмасида фиксация қилинди ва қалинлиги 5-7 мкм бўлган кесмалар тайёрланди, кесмалар Гомори-Габу буйича паральдегид фуксин билан, Гомори буйича хром-квасци гематоксилин ва эозин билан ҳамда гематоксилин-эозин билан бўялди, гипофизда морфофункционал ўзгаришлар, тухумдонда фолликулогенез жараёнлари ўрганилди. Аденогипофизда β - ва δ -базофил хужайраларнинг морфофункционал фаоллиги А.Л.Поленов мезони (1993) ёрдамида аниқланди. Базофил хужайраларда гликопротеин миқдори икки тўлқинли цитофотометрик усул орқали ўрганилди (Л.С. Ягорскин, Г.В. Папаян, 1977). Қондаги репродуктив тизим гормонлари (ФСГ, ЛГ, эстрадиол ва прогестрон) миқдорлари иммунофермент таҳлил усули, эритроцитлардаги МДА миқдори эса И.Д.Стальной, Е.Г.Гаришивили усули (1977), каталаза фаоллиги М.А. Корольок, Л.И.Иванова, И.Т.Майорова усули (1988), эндоген интоксикация кўрсаткичи (МСМ λ -254 ва МСМ λ -280), МСМ λ -280/МСМ λ -254 коэффициенти Н.И.Габриэлян усули (1984) ёрдамида аниқланди.

Экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel 2000 дастурларининг стандарт пакети ёрдамида амалга оширилди. Мумкин бўлган ҳато эҳтимоли даражаси (P) талаб мезон жадвали ёрдамида аниқланди. Таққосланган иккита кўрсаткичлар орасидаги фарқлар $P=0,05$ ва $P<0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Интакт ва клиник ўлим ўтказган каламушларда диэструс ва эструс даврда вегетатив нерв тизими, прооксидант, антиоксидант тизимлари, эндоген интоксикация, аденогипофиз ва тухумдон кўрсаткичларидаги муносабатлар**» деб номланган учинчи бобида келтирилган натижалар шуни кўрсатадики: диэструс даврда интакт каламушларнинг организмида аралаш вегетатив реактивлик остида прооксидант, антиоксидант, эндоген интоксикация тизимларида мувозонатли ҳолат таъминланган, аденогипофизда ўрта ва паст функционал фаолликка эга базофил хужайраларининг устунлиги остида гликопротеин миқдори, қонда ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестрон гормонининг мувозонатлашган ҳолатида тухумдонда етилаётган примордиал тухум хужайралари ҳамда бирламчи, иккиламчи фолликулалар миқдорининг устунлиги аниқланган.

Эструс даврга келиб, диэструс давридаги кўрсаткичларга нисбатан, каламушлар организмида вегетатив реактивликда СНТнинг тонуси сезиларсиз даражада устунлиги остида аралаш вегетатив реактивлик сақланган бўлиб, МДА/каталаза коэффициентининг 1,07 марта, эндоген интоксикация


кўрсаткичида МСМ λ -254 1,02 марта ортиши, оксилнинг чидамлилиқ кўрсаткичи 1,01 марта сезиларсиз даражагача паст бўлиши остида аденогипофизнинг β - ва δ -базофил хужайраларида юқори функционал фаолликка эга хужайралар миқдори 1,66 ва 1,68 мартага ошганлиги ($P < 0,01$), δ -базофил хужайраларда гликопротеин миқдори 1,12 мартага камайганлиги ($P < 0,05$), қонда ЛГ 2,46 мартага, эстрадиол гормони миқдори эса 2,63 мартага юқорилиги остида ($P < 0,01$) тухумдонда иккиламчи фолликулалар миқдори 1,2 баробар, учламчи фолликулалар эса 1,4 марта кўп эканлиги, сариқ тана эса 2,7 баробар кам эканлиги аниқланган ($P < 0,05$).

Диссертациянинг «**Диэструс ва эструс даврда 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган каламушларда автоном нерв тизими, прооксидант, антиоксидант тизимлари, эндоген интоксикация, аденогипофиз ва тухумдон кўрсаткичларидаги муносабатлар**» деб номланган учинчи боб **2-параграфид**а диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлимни моделлаштиришда интакт каламушларнинг кўрсаткичига нисбатан диэструс гуруҳида Хильдебрант коэффицентининг 1,08 мартага ошиши, қонда МДА/каталаза коэффицентининг 1,18 мартага, эндоген интоксикация кўрсаткичининг 1,02 марта ортиши, МСМ λ -280/МСМ λ -254 коэффицентининг 1,08 мартага камайиши аниқланган ($P > 0,05$) бўлиб, аденогипофизда β -базофил хужайрага нисбатан δ -базофил хужайраларда морфофункционал фаоллик 1,04 баробар юқорилиги, гликопротеин миқдори 1,05 марта кам эканлиги ($P > 0,05$), қонда ЛГ эстрадиол гормони 1,09 мартага ортиши ($P < 0,05$) келтирилган.


Эструс даврида каламушларда 10 дақиқали клиник ўлим моделлаштиришда Хильдебрант коэффицентини 1,16 мартага ошиши ($P < 0,01$), прооксидант ва атиоксидант тизимида МДА/каталаза коэффицентининг 1,07 мартага пастлиги ($P < 0,05$), эндоген интоксикация кўрсаткичида МСМ λ -280/МСМ λ -254 коэффицентининг, оксилнинг чидамлилиқ кўрсаткичи нисбатан 1,09 мартага юқори эканлиги ($P > 0,05$), аденогипофизда β -базофил хужайраларга нисбатан δ -дельта базофил хужайраларда функционал фаоллик 1,04 баробар юқорилиги, гликопротеин миқдори диэструс гуруҳидан 1,1 баробар ($P < 0,05$) кам эканлиги, қонда ФСГ 9,8 марта камайганлиги, ЛГ 2,6 марта, эстрадиол гормони эса 2,8 марта ошганлиги ($P < 0,001$) аниқланган. Тухумдонда диэструс гуруҳига нисбатан иккиламчи фолликулалар миқдори 1,2 баробар, учламчи фолликулалар эса 1,4 мартага кўп эканлиги, сариқ тана эса 1,47 баробар камлиги ($P < 0,05$) кузатилган. Олинган маълумотларига асосан эструс даврида клиник ўлимни моделлаштиришда СНТнинг фаоллашиши қонда эстрадиол гормонининг устунлиги, антиоксидант тизимда каталазанинг фаоллиги, оксилнинг чидамлилиқ кўрсаткичи ортишида, диэструс даврга нисбатан мослашиш реактивлигининг юқори даражада шакилланишида ўрни борлиги, қонда ФСГ, ЛГ ҳамда эстрадиол гормонининг устунлиги исботланган.

Диссертациянинг «**Диэструс даврида 10 дақиқали клиник ўлим ўтказган ҳайвонларнинг реанимациядан кейинги даврида вегетатив нерв тизими, прооксидант, антиоксидант тизимлари, эндоген интоксикация ҳамда репродуктив тизим гормонларининг кўрсаткичларида динамик**

